



20 18 yil «29 » НОЯБРЬ

730-к -sonli

Samarqand sh.

**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар
Маҳкамасининг 2018 йил 24 ноябрдаги
“Ўзбекистон Республикасида
мехмонхона бизнесини жадал
ривожлантиришга доир қўшимча
чора-тадбирлар тўғрисида”ги 954-сонли
қарори хақида**

Вилоят худудларининг туризм салоҳиятидан фойдаланиш самарадорлигини янада ошириш, худудларда замонавий туризм инфратузилмасининг жадал ривожланишини таъминлаш, меҳмонхона хизматларини кенгайтириш ва сифатини яхшилаш, меҳмонхона соҳасига инвестицияларни кенг жалб қилиш мақсадида

ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 24 ноябрдаги “Ўзбекистон Республикасида меҳмонхона бизнесини жадал ривожлантиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 954-сонли қарори ижро учун қабул қилинсин.

2. Намунавий лойиҳалар асосида меҳмонхоналарни қуриш юзасидан инвесторларга-тадбиркорларга амалий ёрдам кўрсатиш бўйича вилоят ишчи гуруҳи таркиби иловага мувофиқ тасдиқлансин.

3. Вилоят ишчи гуруҳининг асосий вазифалари этиб қуидагилар белгилансин:

намунавий лойиҳалар бўйича меҳмонхоналар қурилиши учун электрон аукционга қўйилган ер участкалари тўғрисидаги маълумотларни Республика ишчи гуруҳига тақдим этиш;

намунавий лойиҳалар бўйича меҳмонхоналар қурилишига хорижий ва маҳаллий инвесторлар-тадбиркорларни жалб қилишни таъминлаш;

потенциал инвесторлар билан музокаралар ва учрашувлар ўтказиш чораларини кўриш;

намунавий лойиҳалар бўйича меҳмонхоналар қурилиши учун ажратилган ер участкаларини электрон аукционга қўйиш билан боғлиқ масалалар жадал ҳал қилинишини таъминлаш;

намунавий лойиҳалар бўйича меҳмонхоналар қурилиши учун ажратиладиган ер участкаларининг инфратузилмасини тизимли асосда ўрганиш.

4. Вилоят Бош архитектори (Н.Садиков) ўн кун муддатда:

Самарқанд шаҳар ҳокимлиги (Ф.Рахимов) билан биргаликда шаҳар Бош режаси лойиҳасидан келиб чиқиб, Самарқанд шаҳри худудида 20 та меҳмонхоналар қуриладиган ер участкаларини белгиласин;

Самарқанд (Ш.Джамолов) ва Ургут (М.Турдиев) туманлари ҳокимликлари билан биргаликда ушбу худудларда қуриладиган 5 тадан меҳмонхоналар учун ер участкаларини белгиласин;

аниқланган ер участкалари бўйича вилоят ишчи гуруҳига таклиф киритсин.

5. Вилоят ҳокимининг ўринbosарлари (А.Шукуров, О.Бабаев, Б.Нуруллаев), Самарқанд шаҳар (Ф.Рахимов), Самарқанд (Ш.Джамолов) ва Ургут (М.Турдиев) туманлари ҳокимликлари:

а) Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастр бўйича давлат қўмитаси билан биргаликда бир ой муддатда Самарқанд шаҳар, Самарқанд ва Ургут туманларида намунавий лойиҳалар бўйича меҳмонхоналар қуриш учун ер участкаларининг рўйхатини улар тўғрисида тегишли маълумотлар берган ҳолда тасдиқласин;

б) қурилишни амалга ошириш даврида намунавий лойиҳалар бўйича меҳмонхоналар қуриш учун ажратилган ер участкалари, шунингдек инвесторлар-тадбиркорларнинг ҳисоби юритилишини таъминласин;

в) ҳар ойда Республика ишчи гуруҳига:

электрон аукционга қўйилган, тасдиқланган ер участкалари;

намунавий лойиҳалар бўйича меҳмонхоналар қуриш ташабbusи билан чиқкан инвесторлар-тадбиркорлар;

Самарқанд шаҳар, Самарқанд ва Ургут туманларида меҳмонхоналарга бўлган эҳтиёж ва уларнинг сони, уларнинг ўрин фонди тўғрисида маълумот берсинглар.

6. Вилоят ҳокимининг ўринbosари (Б.Нуруллаев), вилоят Туризмни ривожлантириш департаменти (Д.Нарзиқулов):

икки ой муддатда меҳмонхоналарнинг бандлигини таъминлаш ҳамда брон қилишнинг самарали тизимини жорий қилган, кўрсатилаётган хизматларни тарғиб қилган ва меҳмонхона ходимларини ўқитган ҳолда улар фаолиятини янада ривожлантириш бўйича маркетинг ишлари режасини ишлаб чиқсин;

туризм соҳасидаги тадбиркорлик субъектлари билан биргаликда оммавий ахборот воситалари вакиллари учун ахборот ва медиа турлар ташкил этсин.

7. Вилоят Молия бош бошқармаси (Б.Мирзаев), Самарқанд шаҳар (Ф.Рахимов), Самарқанд (Ш.Джамолов) ва Ургут (М.Турдиев) туманлари ҳокимлари:

намунавий лойиҳалар бўйича меҳмонхоналар ҳудудига муҳандислик-коммуникация тармоқларини тортиб келиш билан боғлиқ харажатлар тегишли туманларнинг (шаҳарларнинг) маҳаллий бюджетлари ҳамда қонун ҳужжатларида тақиқланмаган бошқа манбалар ҳисобига молиялаштирилиши;

намунавий лойиҳалар бўйича меҳмонхоналарни ташқи муҳандислик-коммуникация тармоқларига улаш билан боғлиқ харажатлар инвесторлар-тадбиркорларнинг ўз маблағлари ҳисобига молиялаштириши юзасидан белгиланган тартибга қатъий амал қилсинлар.

8. Вилоят Ишчи гурӯҳини ва ушбу қарор доирасида намунавий лойиҳалар бўйича меҳмонхоналарни куриш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга оширувчи инвестор-тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамда юзага келадиган муаммоларни ҳал қилиш учун бошқарма ва идоралар раҳбарларига шахсий масъулият юклансин.

9. Самарқанд вилоят телерадиокомпанияси (Д.Исматов), “Зарафшон” ва “Самаркандский вестник” газеталари бирлашган таҳририяти (Ф.Тошев) ва бошқа оммавий ахборот воситалари ушбу қарорнинг моҳияти ва вазифаларини қенг ёритиш тавсия этилсин.

10. Мазкур қарорнинг ижросини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосарлари (Б.Нуруллаев, О.Бабаев) зиммасига юклатилсин.

Вилоят ҳокими



Э.Турдимов

**Вилоят ҳокимининг
2018 йил 29 ноябрдаги
430-15-сонли қарорига
илова**

**Самарқанд вилоятида намунавий лойиҳалар бўйича
мехмонхоналарни қуриш бўйича инвесторларга-тадбиркорларга
амалий ёрдам кўрсатиш бўйича вилоят ишчи гурӯҳи
ТАРКИБИ**

- | | |
|---------------|--|
| Э.Турдимов | - вилоят ҳокими в.б., ишчи гурӯҳи раҳбари |
| О.Бабаев | - вилоят ҳокимининг инвестициялар, инновациялар, хусусийлаштирилган корхоналарга кўмаклашиш, эркин иқтисодий ва кичик саноат зоналарини ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари, ишчи гурӯҳи раҳбарининг ўринбосари |
| Б.Нуруллаев | - вилоят ҳокимининг туризмни ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари в.б., ишчи гурӯҳи раҳбарининг ўринбосари |
| А.Шукurov | - вилоят ҳокимининг саноатни ривожлантириш, капитал қурилиш, коммуникациялар ва коммунал хўжалик масалалари бўйича ўринбосари |
| Д.Нарзикулов | - вилоят Туризмни ривожлантириш департаменти директори в.в.б. |
| Б.Назаров | - вилоят Курилиш Бош бошқармаси бошлиғи |
| Н.Эшназаров | - Ўзбекистон Ахборот технологиялари ва коммуникацияларини ривожлантириш вазирлиги Самарқанд вилояти худудий бошқармаси бошлиғи |
| С.Хакимов | - вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси бошлиғи |
| Ф.Мажидов | - вилоят Инвестициялар бўйича Бош бошқармаси бошлиғи |
| М.Пардаев | - “Самарқанд худудий электр тармоқлари корхонаси” АЖ директори |
| Х.Бобомуродов | - “Ўзтрансгаз”нинг Самарқанд вилояти бўйича газ таъминоти худудий филиали бошлиғи в.б. |
| Б.Эльмуродов | - Самарқанд шаҳар ҳокимининг ўринбосари, ишчи гурӯҳ котиби |